БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 142 (4348).

20 ИЮЛЬ СЕШАНБА 1971 йил

Баҳоси 2 тийин.

Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг иккинчи бригадасида иш мусобақадош сирдарёликлар маслаҳати асосида ташкил этилган. Бригада аъзолари ҳар бир гектар майдондаги ғўзани қондириб суғориб, мўл ҳосил тўплашга аҳамият бермоқдалар. Деҳқонлар ҳар гектар ердан 32 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганлар. Суратда: бригада даласида.

А. АБАЛЯН фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА РЕСПУБЛИКАДАГИ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҲАҚИДА

КПСС XXIV съезди партиямиз ва бутун совет халқи ҳаётида жуда катта тарихий воқеа бўлди. Съезд партия сафларининг монолит бирлигини, партия ва давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига баҳо беришда, келгуси учун планлар ишлаб чиқишда тамомила яқдилликни намойиш қилди. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладида, съезд қарорларида, янги беш йиллик план юзасидан Директиваларда партиянинг коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга, давлатимизнинг иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган иччл йўли ўзининг ёрқин ифодасини топди. Съезд Совет халқининг ўтган беш йил ичидаги ажойиб меҳнатини ҳар томонлама муҳокама қилди ва унга якун ясади. Бу йилларда хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятлар қўлга киритилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мамнуният билан қайд қиладики, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун умумхалқ қурашига республикамиз катта ҳисса қўшмоқда. Партия XXIII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш асосида Ўзбекистон саккизинчи беш йиллик мобайнида хўжаликни ва маданиятни ривожлантиришда олга қараб катта қадам ташлади. Саноатда асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,6 марта кўпайди. Давлат 20,670 минг тонна, плондагидан 1.170 минг тонна кўп пахта олди. Давлатга дон, сабзавот, ковун-тарвуз, узум, каноп, тамаки, пилла, гўшт, сут, тухум, қорақўл тери ва жун топшириш беш йиллик плани топширишларни бажарилди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, маиший хизмат янада ривож топди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ошди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватанни айниқса 1970 йилда катта ютуқлар билан ҳушнуд қилдилар.

Бу йилнинг биринчи ярми якунлари республика янги беш йилликда ишни яхши бошлаганлигидан далолат беради. Саноат ярим йиллик планни муддатидан илгари адо этди. Капитал қурилиш суръатлари ошди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пилла, қорақўл тери сотиш йиллик топширигини бажардилар, далаларда ва фермаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

КПСС XXIV съезди шуни кўрсатдики партия амалга оширган иқтисодий сиёсат ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатмоқдалар.

Уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилишига, шаҳарлар ва посёлкаларни обод қилишга, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданий-маиший ишлар, савдо ва маиший хизматни ташкил этишга кўпроқ эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишни ҳам кўрсатиб ўтадики, республикадаги меҳнаткашлар депутатлари Советлари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, хўжаликни комплекс ривожлантириш учун ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан хали ҳам тўла фойдаланмаётирлар. иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етарли даражада қатъият кўрсатмаётирлар. Айрим Советлар уй-жой бинолари, социал-маданий ва маиший объектлар қурилиши, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши соҳасида турли идороларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар ишини етарли даражада мувофиқлаштириб олиб бормаётирлар.

Баъзи бир Советларда колхозлар ва совхозлар иши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларидан тўлароқ фойдаланишга, маҳсулот таннархини камайтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳали ҳам сусткашлик билан йўналтирилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолияти устидан етарли контроль таъминланмаётир.

Ташкилий-оммавий ишнинг эришилган даражаси ҳали ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Советларнинг сессияларига баъзан яхши тайёргарлик кўрилмайди, депутатлар актив қатнашмайдилар, масалалар юзаки муҳокама қилинади. Кўпгина доимий комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни сусткашлик билан бажармоқдалар. Ҳали ҳам баъзи депутатлар сайловчилар билан мунтазам учрашиб турмайдилар ва наказларнинг бажарилишига ҳаракат қилмайдилар. Айрим ижроия комитетлар аппарати, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари фаолиятида, жиддий камчиликлар бор, бошқариш ишларини илмий асосда ташкил қилиш принциплари секинлик билан жорий этилмоқда, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда бюрократизм ва сансоларлик фактларига йўл қўйилмоқда.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврида партия меҳнаткашлар депутатлари Советлари фаолиятига нисбатан талабни янада оширмоқда. Советлар КПСС XXIV съезди қарорларида, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан Директиваларда белгиланган тадбирларни амалга оширишда муҳим роль ўйнашлари керак.

КПСС XXIV съезди Директиваларга мувофиқ тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 46—49 процент кўпайтириш, бунда электроэнергетика, рангли металлургия, химия, газ ва енгил саноатни, машинасозликни жадалроқ ривожлантириш, бир қанча йирик саноат объектларини қуриш кўзда тутилган. Пахтачиликни янада юксалтириб, 1975 йилда пахта етиштиришни 5 миллион тоннага етказиш, шоликорликни ривожлантириш, мева, сабзавот, полиз экинлари ва тамаки етиштиришни кўпайтириш мўлжалланади. Чорвачиликни ривожлантиришга, ғўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтиришга ҳамда чорва моллар ва паррандалар маҳсулдорлигини оширишга катта эътибор берилади. Бир қанча йирик ирригация иншоотларини қуриш юз минглаб гектар янги ерлар ва яйловларни суғориш ва сув билан таъминлаш мўлжалланади. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, фан ва маданият, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш соҳаларида катта вазифалар турипти.

КПСС XXIV съезди қарорларини, СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан Директиваларнинг моддий-техника базасини яратишга, давлатимизнинг иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган иччл йўли ўзининг ёрқин ифодасини топди. Съезд Совет халқининг ўтган беш йил ичидаги ажойиб меҳнатини ҳар томонлама муҳокама қилди ва унга якун ясади. Бу йилларда хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятлар қўлга киритилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мамнуният билан қайд қиладики, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун умумхалқ қурашига республикамиз катта ҳисса қўшмоқда. Партия XXIII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини амалга ошириш асосида Ўзбекистон саккизинчи беш йиллик мобайнида хўжаликни ва маданиятни ривожлантиришда олга қараб катта қадам ташлади. Саноатда асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,6 марта кўпайди. Давлат 20,670 минг тонна, плондагидан 1.170 минг тонна кўп пахта олди. Давлатга дон, сабзавот, ковун-тарвуз, узум, каноп, тамаки, пилла, ғўшт, сут, тухум, қорақўл тери ва жун топшириш беш йиллик плани топширишларни бажарилди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, маиший хизмат янада ривож топди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ошди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватанни айниқса 1970 йилда катта ютуқлар билан ҳушнуд қилдилар.

Бу йилнинг биринчи ярми якунлари республика янги беш йилликда ишни яхши бошлаганлигидан далолат беради. Саноат ярим йиллик планни муддатидан илгари адо этди. Капитал қурилиш суръатлари ошди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга пилла, қорақўл тери сотиш йиллик топширигини бажардилар, далаларда ва фермаларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар.

КПСС XXIV съезди шуни кўрсатдики партия амалга оширган иқтисодий сиёсат ишлаб чиқаришнинг ривожланишига таъсир кўрсатмоқдалар.

Уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилишига, шаҳарлар ва посёлкаларни обод қилишга, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданий-маиший ишлар, савдо ва маиший хизматни ташкил этишга кўпроқ эътибор берилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишни ҳам кўрсатиб ўтадики, республикадаги меҳнаткашлар депутатлари Советлари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, хўжаликни комплекс ривожлантириш учун ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан хали ҳам тўла фойдаланмаётирлар. иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етарли даражада қатъият кўрсатмаётирлар. Айрим Советлар уй-жой бинолари, социал-маданий ва маиший объектлар қурилиши, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариши соҳасида турли идороларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар ишини етарли даражада мувофиқлаштириб олиб бормаётирлар.

Баъзи бир Советларда колхозлар ва совхозлар иши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларидан тўлароқ фойдаланишга, маҳсулот таннархини камайтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ҳали ҳам сусткашлик билан йўналтирилмоқда. Колхоз ва совхозларнинг молия-хўжалик фаолияти устидан етарли контроль таъминланмаётир.

Ташкилий-оммавий ишнинг эришилган даражаси ҳали ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Советларнинг сессияларига баъзан яхши тайёргарлик кўрилмайди, депутатлар актив қатнашмайдилар, масалалар юзаки муҳокама қилинади. Кўпгина доимий комиссиялар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни сусткашлик билан бажармоқдалар. Ҳали ҳам баъзи депутатлар сайловчилар билан мунтазам учрашиб турмайдилар ва наказларнинг бажарилишига ҳаракат қилмайдилар. Айрим ижроия комитетлар аппарати, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари фаолиятида, жиддий камчиликлар бор, бошқариш ишларини илмий асосда ташкил қилиш принциплари секинлик билан жорий этилмоқда, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишда бюрократизм ва сансоларлик фактларига йўл қўйилмоқда.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги даврида партия меҳнаткашлар депутатлари Советлари фаолиятига нисбатан талабни янада оширмоқда. Советлар КПСС XXIV съезди қарорларида, халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан Директиваларда белгиланган тадбирларни амалга оширишда муҳим роль ўйнашлари керак.

КПСС XXIV съезди Директиваларга мувофиқ тўққизинчи беш йилликда Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 46—49 процент кўпайтириш, бунда электроэнергетика, рангли металлургия, химия, газ ва енгил саноатни, машинасозликни жадалроқ ривожлантириш, бир қанча йирик саноат объектларини қуриш кўзда тутилган. Пахтачиликни янада юксалтириб, 1975 йилда пахта етиштиришни 5 миллион тоннага етказиш, шолик

ЧОРВАЧИЛИК КОМСОМОЛЛАР ОТАЛИГИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Пленум кун тартибига қўйилган масала муҳимлиги ва ҳаётийлиги билан киши эътиборини ўзига тортади: йиғилганлар «КПСС XXIV съезди қарорлари асосида чорвачиликни янада юксалтириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлашда область комсомол ташкилоти олдида турган вазифалар»ни зўр ишчанлик билан муҳокама қилдилар. Бу ҳақда область комсомол комитетининг биринчи секретари **О. У. Исҳоқов** доклад қилди.

Ўтган йилларда бўлгани каби бу йил ҳам комсомоллар чорвачиликни ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Хўжаликлардаги чорвачилик фермаларини ёш кадрлар билан мустаҳкамлаш мақсадида 1971 йил давомида комсомол йўлланмаси билан салкам уч минг йигит-қиз қишлоққа юборилади. Бундан ташқари, яна кўплаб комсомол қизлар «Красний водопад» экспериментал базаси сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная тажрибасини ўрганишга жалб этилмоқда.

Чорвачиликни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган комсомолларнинг номи докладда алоҳида тилга олинди. Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли комбинатда меҳнат қилаётган ёш чорвадорлар сафи йил сайин кенгайиб бораяпти. Улар тайғати билан ўтган йили тўла механизациялашган ферма барвақт фойдаланишга топширилди. Фермада меҳнат қилаётган комсомол-ёшлар бригадасига ҳозир ферма бошлиғи комсомол ташкилоти секретари, ёш коммунист Малика Эрматова раҳбарлик қиляпти. Бригадага беш сут соғувчи ва механизатор бирлашган. Сут соғувчилардан М. Қодирова, Д. Домашева, М. Эрматова каби ёшлар ишни Анастасия Чудная тажрибаси асосида ташкил этмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўз қарамоғидаги соғин сигирлардан ўрта ҳисобда 4 минг килограммдан сут соғиб олишга қарор қилган.

Янгийўл район комсомол комитети ёш чорвадорлар ишини мунтазам кузатиб бораяпти. Бюро йиғилишларида ва пленумларда чорвачиликни юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалалар вақтиваҳти билан муҳокама қилиб борилмоқда. Бу йиғинларда қабул қилинган қарорларнинг ижросини текшириб борувчи махсус штаб ҳам тузилган. Штаб аъзолари бевосита жойларда бўлиб, чорвадорларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар кўмаги билан барча фермаларда сут соғиш жараёнлари тўла механизациялаштирилди. Молларга озуқа бериш, фермаларни тозалаш ишлари ҳам тўла механизмлар елкасига юкланмоқда.

Оққўрғон район комсомол комитети ҳам чорвадор кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳозирги кунда район чорвачилик фермаларида 160 дан ортиқ комсомол-ёш меҳнат қилмоқда. Айниқса, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози комсомол-ёшлари эришаётган муваффақиятлар диққатга сазовордир. Бу ерда давлатга гўшт, сут, тухум ва жун топшириш ярим йиллик планлари муддатидан олдин бажарилди.

Сўнгги йилларда областимиз хўжаликларида чорвачиликни ихтисослаштиришга алоҳида аҳамият бериляпти. Тўққизинчи беш йилликнинг охирига бориб 119 хўжалик сут етиштиришга, 28 хўжалик гўшт-сут етиштиришга ихтисослашади. Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ районлари ва Ўрта Чирчиқ районининг Оҳангарон зонасидаги хўжаликларда гўшт ва сут маҳсулотлари етиштириш билан ҳам кўпаяпти. Бу марраларга биз биринчи навбатда чорвачилик жараёнларини комплекс механизациялаш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш йўли билан эришамиз. Областимиз комсомол-ёшлари олдида мавжуд чорвачилик фермаларидаги жараёнларни комплекс механизациялаш вазифаси турибди. 1973 йилгача 96 колхоз ва совхознинг чорвачилик фермаларидаги иш жараёнлари тўла механизацияланиши керак.

Чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳам комсомоллар ҳали кўпгина тадбирларни амалга оширишлари лозим. Аввало, озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишга эътиборни кучайтириш зарур. Беш йиллик мобайнида дон экинлари ҳосилдорлигини камида 4,3 центнерга ошириш, ҳар гектар маккажўхори кўк поясининг ҳосилдорлигини 400—500 центнерга етказиш, эски бедапоялардан ўриб олинадиган беда ҳосилдорлигини 100—150 центнерга, илдизли ва полиз экинларидан тайёрланадиган озуқа ҳосилдорлигини 400 центнерга етказиш керак.

Область комсомолларининг чорвачиликнинг озуқа базасини яратиш мақсадида ҳозир дағал хашак тўплаш ойлигини ўтказмоқдалар. Марказий шаҳарлар меҳнаткашларининг ташаббуси асосида шаҳарликлар шанба ва якшанба кунлари далаларга чиқиб, дағал хашак тайёрлашда чорвадорларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Дастлабки шанбалик ва якшанбаликда 2600 дан ортиқ шаҳарлик пичан ғарамлаш билан банд бўлди. Улар орасида 1900 комсомол аъзоси ҳам бор эди. Икки кун мобайнида 415 тонна озуқа тайёрланди. Навбатдаги шанбалик ва якшанбаликда эришилган ютуқлар кўлами яна ҳам кенг бўлади.

Лекин, булар чорвачиликнинг қишлоқ хўжалигини юксалтиришда шаҳар меҳнаткашлари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшяптилар. Пленумда сўзга чиққан Ангрен шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари **А. Шамсутдинов** оталиқ ёрдами тўғрисида алоҳида тўхталди. Шаҳар ёшлари ҳар шанба ва якшанба кунлари қишлоқларга чиқиб ем-ҳашак тўплашда чорвадорларга яқиндан кўмаклашмоқдалар. Айниқса, 4-темир-бетон буюмлари заводи, 7-авторемонт конторасиқўмир разрези ёшлари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Шаҳар партия ташкилоти шаҳар ва қишлоқ ёшлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш тадбирларни кўрмоқда.

Пленум қатнашчилари «Красний водопад» экспериментал базаси сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Анастасия Чудная** сўзини қизғин кутиб олдилар. Машҳур чорвадор ёшларни чорвачилик касбини эгаллашга даъват этди.

— Мен Анастасия Чуднаянинг тажрибаси асосида ишлаб, ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини анча оширишга муваффақ бўлдим, — деди Пискент районидаги «2-Пискент» совхози сут соғувчиси **Х. Эргашева**. Шу кунгача ҳар бир сигирдан 1200 литр сут соғиб олдим. Йил давомида 2015 литр сут соғиб олишга сўз берганман. Бу мажбуриятни муддатидан икки ой олдин бажаришга ҳаракат қилмоқдаман. Зеновизнинг бошқа аъзолари ҳам ўз зиммаларига мана шундай юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар.

Сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам чорвачиликни юксалтиришга ёрдам берувчи қимматли фикрларни баён қилдилар.

Пленумда область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **С. Т. Тошқулов** нутқ сўзлади.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Б. Арсентьев** иштирок этди.

Гулчеҳра Орипова Тошкентдаги 3-тикувчилик фабрикасида ишлайди. Чевар қиз беш йилликни тўрт йилда бажариш борасида бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, смена топшириқларини 130—140 процентга етказиб адо этмоқда. Суратда: ўртоқ Г. Орипова.

М. Нуриддинов фотоси.

АНГРЕНДАН ХАБАРЛАР

РАНГЛИ ЦЕМЕНТ

Қурилиш материаллари комбинати йил бошидан буён 50 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигининг қарорига мувофиқ тўққизинчи беш йилликда комбинатда оқ, ҳамда бошқа рангли цемент ишлаб чиқариш тўла ўзлаштирилади.

Ҳозир корхонани реконструкция қилиш ишлари бошланди. Йил охирига бориб рангли цементнинг дастлабки тонналари уй-жой ҳамда маданий-маиший корхона бинолари қурилишига жўнатилади.

ИЛҒОРЛАР ПОРТРЕТИ

В. И. Ленин номидаги майдонда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларидан 46 кишининг портретлари қўйилди. Уларни шу ерлиқ рассомлар чизишган.

Илғорлар орасида 9-шахта ишчиси Т. Ҳасанов, кўмир разрези экскаватор машинисти В. Лазарева, қурилиш бошқармаси арматурачилар бригадасининг бошлиғи Қ. Матниёзов, нон заводининг мастери А. Богданова ва бошқалар бор.

ҲАМШИРАЛАР ОТРЯДИ

Шаҳар медицина билим юрти бу йил 170 ҳамшира тайёрлаб чиқарди. Ёш ҳамширалар республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидаги даволаш муассасаларига жўнаб кетишди.

Битирувчиларнинг кўпчилиги давлат имтиҳонини «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширдилар.

Ф. ПЕТРОВ.



Тошкент давлат университетининг кимё факультети органик кимё кафедрасининг аспиранти Х. Тожимухамедов мўжизалар фани сирларини очиш устида илмий иш олиб бормоқда. Х. Тожимухамедов куни кеча диссертациясини ёзиб тугатди. Яқин кунларда эса фан кандидати даражасини олиш учун катта имтиҳондан ўтади. Суратда: Х. Тожимухамедов.

А. Тўраев фотолари.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Пойтахтимиздаги «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» заводи бир неча йилларидан бери областимизнинг Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозига оталиқ ёрдами кўрсатиб келмоқда.

Машинасозлар дала меҳнаткашлари оғирини енгил қилиб, қишлоқ хўжалик машина-механизмларни сифатли ремонт қилишда яқиндан ёрдам берадилар. Завод ишчи-хизматчилари билан деҳқонлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу ўз навбатида ҳам колхозга, ҳам заводга наф келтирмоқда.

Шу йилнинг дастлабки ойларида корхонада 20 кишидан иборат бригада колхоз устахонасидаги пахта териш, кўрак чувиш каби турли хил машиналарни мавсумга тахт қилишда механизаторларга кўмаклашишди.

Ҳозирги кунда корхонанинг 2-механика цехи колхоз буюртмасини, яъни пахта териш, кўрак чувиш машиналари учун эҳтиёт қисмлар тайёрламоқда. Цехнинг А. Русинов, Л. Ашурова, У. Исмоилов ва Т. Азизов каби пешқадамлари буюртмани муддатидан олдин бажариш учун смена нормасини бир ярим ҳиссага етказиб адо этишмоқда.

Бундан ташқари, корхона аҳлидан кўпчилик «оқ олтин» йиғим-терими даврида колхозчиларга яқиндан кўмаклашишади.

С. СУЛТОНОВ.

Пойтахтимиздаги 1-босмахонада айни шу кунларда иш қизғин. Ҳадемай, янги ўқув йили бошланди. Унгача дарслик ва қўлланмаларни батамом қўлдан чиқариш лозим. Суратда: босмахона муқовалар цехининг пешқадам ишчиси Ҳ. Пирмақулова.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

ЎзССР «Фан» нашриётида таниқли туркшунос олимлар томонидан юқори баҳоланган «Эски ўзбек тили» (XIVаср Хоразм ёдномаларининг) 11 томини нашр этди. (Маъсул муҳаррир — будапештлик олим, филология фанлари доктори, проф. Андраш Бодроглинети). Туркология соҳасида бундай муҳим асарнинг муаллифи ўзбек тилшунос олимлари ичида энг ёш фан доктори Эргаш Фозилов.

Муаллифнинг ушбу асари 1966 йилда нашр этилган «Эски ўзбек тили» (1 том)нинг давоми ҳисобланади. Биринчи томда глоссарий (қадимги кўлёзмалардаги эскирган ва тушунилиши қийин бўлган сўзларга маъно берган изоҳли луғат) «а» дан «к»га довур берилган эди.

Олимнинг янги тадқиқотида чет эллардаги йирик кутубхоналарда сақланаётган Сайфи Саройининг «Гулистон би-туркий», Хоразмийнинг «Муҳаббатнома», тўрт бобли прозаик асар —«Нахджул—фарадис», Қутбнинг «Хусрав ва Ширин» каби ўнлаб XI-XIV аср Хоразм ёдгорликлари тили таҳлил қилиш асосида эски ўзбек тилининг лексик бойликлари, грамматик ва фонетик хусусиятлари аниқланади.

Маълумки, Алишер Навоий асарлари тилининг мукаммал луғати ва умуман XV аср ёдномалари тилининг луғатини яратиш бобида, шу даврга қадар маълум ва номаълум бўлган барча адабий ёдномаларни чуқур ўрганиш ва талқин қилишда XIV аср Хоразм ёдгорликлари муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу ёдгорликлар эски ўзбек, туркман, татар, қрим-татар, озарбайжон ва усмон адабий тилларининг пайдо бўлиш, шаклланиш ва тараққий этиш процессида муҳим роль ўйнайди.

Асарда туркологияда энг умумий масалалардан бири — туркий тилларнинг тараққиётқонунлари ва адабий нормаларни шаклланиши ва ўзаро муносабатини ўрганиш эканлиги айтилиб, XIV аср Хоразм ёдгорликлари тилини ўрганиш биз учун алоҳида муҳим аҳамиятга эгалиги ҳам уқтирилади.

Китоб туркологлар, шарқшунослар, тарихчилар, олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун мўлжалланган.

Китобда фақат ўша даврнинг (XI—XIV асрлардаги) маълум адибларнинг асарлари мукаммал таҳлил қилинибгина қолмай, ҳатто ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган, ҳанузгача автори аниқланмаган ёдгорликлар ҳам фан оламига олиб кирилганлиги билан қимматлидир.

С. РИЗАЕВ,
филология фанлари кандидати.

МИНГ БОЛАНИНГ ОНАСИ

Ўша воқеа Мавжуда опанинг ҳеч эсидан чиқмайди. Оддий иш кунларидан бири эди. Медицина фанлари доктори профессор Азиз Мақсудовнинг ҳузурига бир она касалманд, нимжон боласини олиб келиб қолди. Онанинг кўзларидан ёш аримасди. Фарзандининг дардига шифо тилаб докторга ялиниб-ёлборарди.

— Ҳеч ташвишланманг, болангиз албатта соғайиб, ҳадемай оёққа туриб кетади, — деб Азиз ака онани тинчлантирди.

Доктор гапининг устидан чиқди. Орадан икки ҳафта ўтмай бола соғайиб кетди.

Ўшанда Мавжуда Мақсудова эндигина ТошМИни тамомлаб болаларни даволовчи врач бўлиб ишлаётган эди. Бу касбдан у минг марта рози эди. Чунки бундан буён у ҳам ёш гўдакларни даволаб, ота-оналар чеҳрасига табассум ҳадя этади.

Мавжуда бир неча йил болалар врачи бўлиб ишлади. Айни пайтда гинекология соҳасини ҳам эгаллаб борди. Ҳозир у Тошкентдаги 3-туғруқхонада гинеколог-хирург мутахассислиги бўйича ишлаб келмоқда. Ингирма уч йил мобайнида жуда кўп фарзандларнинг доясидан бўлди у. Оналар дардига шифо топди.

Мавжуда опа билмаганини ўрганади, билганини ёшларга ўргатади. У профессор Н. Раевский ҳамда медицина фанлари кандидати Боеит Фозилов, бош врач Олия Умарова каби тажрибали шифокорлардан кўп нарса ўрганиб, улар тажрибасини ўз ишига тадбиқ қилди.

Мавжуда опа бир воқеани яхши эслайди. Кеч соат 12. «Тез ёрдам» машинаси зудлик билан Мавжуда опани Чиноз касалхонасига олиб кетди. Беморнинг дарди жуда оғир: бола тескари келган. Она ўлим билан олишарди. Операция уч соат давом этди. Она ва боланинг саломатлиги сақлаб қолинди. Бундай воқеалар Мавжуда опа ҳаётида кўп бўлиб туради.

Опа Калинин район туғруқхонасини ҳам оталиққа олган. У ерга бориб вақти-вақти билан консультация ва суҳбатлар ўтказиб туради.

— Икки инсоннинг саломатлигини тиклаш учун врач ва ҳамширалар озмунча меҳнат қилишмайди, — дейди Мавжуда Мақсудова. — Бир хил аёллар жуда оғир ҳолатда келишади. Уларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатмасангиз бўлмайди.

Яқинда бир ҳомиладор аёлни оғир ҳолатда туғруқхонага келтиришди. Унинг зотилжам ва қон босими касали бор экан. Аҳволи жуда оғир. Агар зотилжамга қарши дориларни қилсангиз, қон босимига тўғри келмайди. Қон босимига даво қилсангиз, ҳомилага зарар етади. Хуллас, кўп бош қотиришга тўғри келди. Бир ой давомида бемор даволанди. Эсон-омон фарзанд кўриб, туғруқхона шифокорларидан миннатдор бўлиб чиқиб кетди.

— Бундай ҳоллар айниқса ёш оналарнинг ўзларига бефарқ қарашлари натижасида содир бўлади, — дейди врач. Касал бўлган вақтларида тегишли медицина ёрдами сўрамасдан вақтни ўтказиб юборадилар. Шунинг учун ёш оналар тез-тез врачларга ўзларини кўрсатиб туриб, касалларининг олдини олишларини маслаҳат берамиз.

Мавжуда опани мингдан ортиқ боланинг онаси десак ҳам янглишмаймиз, чунки доя иккинчи она бўлади. Моҳир врач Мавжуда опа том маънода болажон аёл.

Опанинг ўзи 7 фарзанд кўрди. Болалари ҳам она изини тутишди, қизлари Фарида ва Малика медицина фанлари кандидатлари, Шарифа ва Фахриддинлар — врач. Яна бир ўғил — Фазлиддин эса 15-шаҳар касалхонасида ишлайди. Наима билан Зарифа ҳам врач бўлишмоқчи. Улар Тошкент медицина институтининг 2-курсида ўқишмоқда.

Яхшидан ҳар доим яхши ном қолади. Мавжуда Мақсудова ва унинг фарзандлари энг олижаноб касблардан бири — шифокорликни танлаб, халқимиз сиҳат-саломатлиги йўлида жон қуйдирмоқдалар. Биз Мавжуда опа бошлиқ шифокор оилага: «Қўлингиз дард кўрмасин» деймиз.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

МАРКАМИЗ ШУХРАТИНИ ОШИРАМИЗ

Фабрикамиз асосан болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Кейинги йилларда корхонада тайёрланаётган бежирим, чиройли, пишиқ пойафзалларга талаб ортиб кетди. Фабрикамиз тамғаси босилган маҳсулотларни республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари суюб харид қилмоқдалар. Бинобарин, савдо ташкилотларидан фабрикага кўплаб талабномалар келиб турибди. Бу севинчли ҳолдир, албатта.

Корхонада асосан 8 хил болалар оёқ кийими, икки хил аёллар ҳамда эркаклар пойафзали тикилади. Ўтган йили болалар учун турли размерда хром этик тикишни ўзлаштирдик. Бу маҳсулот чиройлилиги ва пишиқлиги билан харидорларга жуда ёқиб қолди. Корхона ишчи-хизматчилари саратовлик машинасозлар ташаббусига қўшилиб, доимо биринчи сорт маҳсулот ишлаб чиқиш га қарор қилишган. Яқинда ишга туширилган поток линияси олдимизда турган бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда.

Корхона аҳли асосий эътиборни маҳсулот сифатига қаратиб, харидорлар талаб ва эҳтиёжини назарга олган ҳолда иш юритади. Ҳар бир ишчининг ўз ишига жавобгарлик ҳисси билан қараши, меҳнат интизомини бузмаслиги, бракка йўл қўймаслиги, давлат планларининг доимо ошириб бажарилиши устидан назорат ўрнатилган.

Фабрикамизда чарм қирқиндан гул босиб, қолиплашгача бўлган жараёнларни машиналар бажармоқда. Ўтган йили цехларга юқори унум билан ишлайдиган, кўплаб хом ашё тежаш имконини берадиган агрегатлар ўрнатилди. Теріларни букувчи 4 та 211-классли машина, 2 та ЗМК машиналари ишга туширилди. Синтетик материалдан стилка тайёрлаш усули йўлга қўйилди. Бундан ташқари, 4 та прессловчи машина, заготовка қиладиган янги машиналар ўзлаштирилди. Натижада ҳар йили давлатнинг 9 минг сўмга яқин маблағи тежаб қолиняпти. 2 та «ПВГ—19» пресслаш машинасининг ишга туширилиши эса корхонамизга йилига 30 минг сўм фойда келтирмоқда.

КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасида совет кишиларининг кийим-кечак, пойафзалга ва енгил саноатнинг бошқа буюмларига бўлган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш; серунум комплекс механизациялаштирилган поток линияларини кенг кўламда жорий этиш лозимлиги қайд қилинган. Шунингдек, Директиваларда хом ашё тежаш масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Фабрикамизнинг ўтган йилги кўрсаткичларига назар ташлайлик. Корхона меҳнаткашлари юбилей йилида қувончли марраларни эгалладилар. Юбилей йилида планда белгиланганига нисбатан сал кам юз минг сўмлик оёқ кийимлари савдо ташкилотларига чиқарилди. 234 минг дециметр таг чарм, 278 минг дециметр хром терн тежаб қолишга эришилди. Маҳсулот таннархининг камайтирилиши эвазига, эса 91 минг сўм соф фойда олинди ва бу соҳа бўйича план топширигн 110,4 процент бажарилди. Бундан ташқари, фабрика рационализаторларининг ишлаб чиқаришга жорий этган 30 та ихтиро чилик таклифи корхонага 40 минг сўмга яқин фойда келтирди.

Фабрикамизда Кострома шаҳридаги канап комбинати ишчиси В. Пелетнева ташаббусига 296 киши қўшилди. Шулардан 178 киши беш йиллик топшириқни доҳий В. И. Ленин юбилейигача шараф билан бажарди. Юздан ортиқ киши эса беш йилликни 4 йилда адо этди. 1-цех бичувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Тамара Бегматова беш йилликни 3 йил-у 10 ойда бажариб, ҳозир у 1972 йил ҳисобига ишламоқда. Коммунист, коммунистик меҳнат зарбдори Зоирбой Шерматов ҳам Бегматова сингари ўтган беш йилликни 3 йил-у 10 ойда адо этиб, 63 ярим минг дециметр терини тежаб қолишга ҳамда бу тежалган маҳсулотдан 11 минг жуфт пойафзал тикишга эришди. Зоирбой тўққизинчи беш йилликни уч ярим йилда бажариш ва планга қўшимча камида 70 минг дециметр хом ашё тежашга аҳд қилган.

Меҳнатсеварларнинг бу ташаббуси корхонамизда кенг қулоч ёзмоқда. Ҳозир 250 нафар коммунистик меҳнат зарбдори ҳамда кўплаб тикувчи, бичувчилар илғорлар изидан бориб, кунлик, ойлик топшириқларини ошириб адо этмоқдалар.

Фабрикада съездолди социалистик мусобақаси қизитиб юборилди. Ҳамма ишчилар меҳнат вахтасида туриб ишлашмоқда. 300 дан ортиқ пойафзалчи эса янги беш йилликни 4 йилда бажариш ҳаракатида.

Фабрикада Р. Ким, М. Казаркина, Л. Михайлова ва С. Мамедов ўртоқлар бошлиқ бўлган участкаларга коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли ном берилди. Топиб олди Сотиболдиев ва С. Митетов ўртоқлар бошлиқ участка-аъзолари эса шу юксак номни олиш учун курашмоқдалар.

Шуниси диққатга сазоворки, 2-цех коллективи жонажон партиямизнинг шонли XXIV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун 27 март — шанба кунида бир ёқадан бош чиқариб ишга чиқишга қарор қилдилар. Бутун фабрика коллективи бу ташаббусни қизғин маъқуллади ва шу куни тежалган маҳсулотдан 5500 жуфт оёқ кийими ишлаб чиқаришга, иш ҳақини тўққизинчи беш йиллик фондига ўтказишга бел боғлади.

Олдимизда турган вазифалар қанчалик улкан ва масъулиятли бўлса-да, ишчан пойафзалчиларимиз, уларни шараф билан бажарадилар.

А. ТИЛЛАЕВ,
Чирчиқ пойафзал фабрикаси директорининг ўринбосари.

ЧИЛЛА—ҲАР ДАМИ ТИЛЛА

Ҳа, ёз чилласининг ҳар дами тилла билан баробар. Бобо деҳқонлар ўзларининг кўп йиллик бой тажрибаларига таяниб айтиш-ган, бу теран мазмунли мақолни.

Дарҳақиқат, эл-юрт фаровонлиги йилида баракали хирмонлар кўтариш иштиёқи билан ишлаётган ва меҳнат қилаётган деҳқонлар учун ёз чилласи бениҳоя қимматли ва ғаниматдир. Ишнинг кўзини билган уста деҳқонлар бунинг чуқур ҳис этган ҳолда шу кеча-кундузда чилланинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб қолиш, бутун маҳоратларини, барча имкониятларини ишга солиш тараддудида бўлмоқдалар.

Республикамизнинг ҳамма ерида 4 миллион 400 минг тоннали улкан «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун қизғин кураш кетаяпти. Ишбилармон раҳбарлар, уста мутахассислар, асл деҳқонлар ва моҳир механизаторлар меҳнат қилаётган илғор хўжаликларда мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилмоқда. Ўз вақтида ўтказилаётган, культивация қилинаётган, кеча-кундуз суғорилаётган ва умуман деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ўсмоқда, гулига гул, қўсагига қўсак қўшмоқда.

Бундай ажойиб манзарани областимизнинг кўплаб пешқадам хўжаликларида кўриш мумкин. Қуйида биз Оққўрғон районидаги Войтинцев номли колхоз пахтакорларининг шу кеча-кундузда қилаётган ишлари ҳақида гапирмоқчимиз.

Бу колхознинг «оқ олтин» соҳибкорлари пахтадан йил сайин тобора кўпроқ ҳосил олиб келмоқдалар. Улар ўтган беш йиллик мобайнида мамлакатга 18 минг 400 тоннадан зиёд пахта армуғон этган эдилар. Янги беш йиллик учун белгиланган марра эса — ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 22 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб беришдан иборат.

Колхоз далаларида шу кеча-кундузда ғўза парвариши ўзининг қизғин жаҳасига кирган. Беш йилликнинг биринчи йилида давлатга пландагидан минг тонна ортиқ, яъни 4070 тонна пахта етказиб беришга, ҳосилдорликни етти центнер ошириб, колхоз бўйича ўрта ҳисобда 31 центнерга етказишга астойдил бел боғлаган деҳқонлар ва механизаторлар ҳозирги ҳар бир кунни, ҳар бир соатни ғаниматдек билиб, ҳосилга ҳосил қўшишнинг барча тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Хўжалик пахтакорлари ғўзани барвақт озиқлантиришга алоҳида аҳамият беришади. Мана, бу йил ҳам барча майдонлардаги ғўза қулай агротехника муддатларида озиқлантирилди. Ўғит солиш ишлари тугалланай деб қолди. Ҳозир пахта майдонларининг сўнгги гектарлари ўғитланмоқда. Ҳар гектар ерга 200—250 килограммдан азот солинмоқда. Бу ишда сергайрат механизаторлардан Қўчқор Қодиров, Турқора Раҳимбердиев, Николай Подгорний, Тўрабек Тўлабоев, Очил Эрбўтаев, Ўрол Мухторов сингари ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

Сифатли ишлов берилаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ривожланмоқда. Ҳозир ҳар тўп ғўзада 5—6 тадан шона, 3—4 тадан гул ва 1—2 тадан кўсак санаш мумкин.

— Хўжалигимизда пахтачиликдаги прогрессив усуллар кенг қўлланилаяпти, — дейди колхоз раиси ўртоқ Остонақул Туратов. — Ана шу усуллардан бири — чигитни кенг қаторлаб экишдир. Кенг қаторлар биринчи навбатда машиналарга кенг йўл очиб бераркан. Бундан ташқари, кенг қаторлаб экилган майдонлардаги ғўза тор қаторлаб экилган майдонлардаги ғўзага нисбатан бирмунча тез ривожланиб, эрта ҳосилга кираркан, пахтаси ҳам барвақт пишиб етиларкан. Биз бу усулни кейинги икки йил давомида камроқ майдонларда синаб кўрдик. Натижаси яхши бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам бу йил мавжуд 1317 гектар майдонимизнинг 560 гектарига чигитни гербицидлаб ишлаган ҳолда кенг қаторлаб экдик. Бу майдонлардаги ғўза ҳозир колхозимизнинг энг олди ғўзалари бўлиб ҳисобланади. Кенг қаторларда тракторлар яйраб ишлаяпти. Ўғитлаш ва культивация қилиш тез ва сифатли ўтказиляпти. Бегона ўтлардан ному-нишон ҳам кўринмайди.

Бу майдонларда пахта териш машиналари ҳам унумли ишлаётган бригадирлар, агрономлар ва колхоз раҳбарларининг сувчилар билан суҳбатлашиши тунги сукунатни бузиб туради. Колхозда тунги суғориш ишлари намунали йўлга қўйилган. Мўл «оқ олтин» етиштиришдек катта мақсадни дилларига жо қилган фидокор сувчилар тунни кунга улаб самарали меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик деҳқонлари ғўзани ўғитлаш, суғориш ва культивация қилиш ишларини бир-бирига мувофиқ равишда қулай агротехника муддатларида ўтказмоқдалар. Колхоз пахта майдонларининг тўқсон процентини қирлик ерлар ташкил қилади. Бундай ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш, ҳар туп ғўзани сувга қондириш, қатор ораларини сифатли культивация қилиш — деҳқонлар ва механизаторлардан катта маҳорат талаб этади. Колхозчилар буни яхши тушунган ҳолда ҳар бир ишни нобуд қилмай, ғўзага ичириш, барча майдонларни оби-тобида суғориш, сув режимини тўғри олиб бориш ва умуман суғориш билан боғлиқ, бўлган барча ишларни агротехника талаблари даражасида бажаришга жиддий эътибор бермоқдалар.

Колхозда ишнинг кўзини биладиган уста сувчилар кўп. Улар ҳар бир пайкалнинг тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда қачон ва қай тарзда суғоришни яхши билишади. Суғориш — пахтачиликдаги энг масъулиятли ишлардан биридир. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ишни катта тажриба орттирган сувчиларга топширган. Уларнинг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

Уста пахтакор Абдували ака Расулматов бошчилик қилаётган юқори ҳосилли бригадада суғориш ишлари айниқса намунали ташкил этилган. Миришкор сувчилардан Эргаш Аҳмедов, Ҳасанбой Бозоров ўртоқлар пахта пайкалларига сув тарашда ўзларининг бутун маҳоратларини ишга солмоқдалар. Улар ҳар куни белгиланган нормадагидан бир ярим-икки ҳисса ортиқ майдонни қондириб суғормоқдалар. Колхознинг илғор сувчиларидан Йўлчи Кенжаев, Усмонқул Мелдабеков, Ўринбой Ўсаров, Ҳусайн Ҳасанов сингари ўртоқлар ҳам ғўзани сифатли суғоришда, нормани ошириб бажаришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Колхоз далаларини тунда кезган киши ажойиб манзарани кўради. Жўяклардан жилдираб оқаётган сув ой ёғдусида ажиб товланади. Ҳар ер-ҳар ерда сувчиларнинг фонуси милтираб кўринади. Сувчиларнинг кетмон уриши, узоқдан бир-бирига ган қотиши, ҳазиллашиши, ҳатто ашулаларини ҳам эшитасиз. Ҳа, ёз чилласи ҳар дами тилла билан баробар. Бобо деҳқонлар ўзларининг кўп йиллик бой тажрибаларига таяниб айтиш-ган, бу теран мазмунли мақолни.

Ишбилармон раҳбарлар, уста мутахассислар, асл деҳқонлар ва моҳир механизаторлар меҳнат қилаётган илғор хўжаликларда мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилмоқда. Ўз вақтида ўтказилаётган, культивация қилинаётган, кеча-кундуз суғорилаётган ва умуман деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ўсмоқда, гулига гул, қўсагига қўсак қўшмоқда.

Бундай ажойиб манзарани областимизнинг кўплаб пешқадам хўжаликларида кўриш мумкин. Қуйида биз Оққўрғон районидаги Войтинцев номли колхоз пахтакорларининг шу кеча-кундузда қилаётган ишлари ҳақида гапирмоқчимиз.

Бу колхознинг «оқ олтин» соҳибкорлари пахтадан йил сайин тобора кўпроқ ҳосил олиб келмоқдалар. Улар ўтган беш йиллик мобайнида мамлакатга 18 минг 400 тоннадан зиёд пахта армуғон этган эдилар. Янги беш йиллик учун белгиланган марра эса — ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 22 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб беришдан иборат.

Колхоз далаларида шу кеча-кундузда ғўза парвариши ўзининг қизғин жаҳасига кирган. Беш йилликнинг биринчи йилида давлатга пландагидан минг тонна ортиқ, яъни 4070 тонна пахта етказиб беришга, ҳосилдорликни етти центнер ошириб, колхоз бўйича ўрта ҳисобда 31 центнерга етказишга астойдил бел боғлаган деҳқонлар ва механизаторлар ҳозирги ҳар бир кунни, ҳар бир соатни ғаниматдек билиб, ҳосилга ҳосил қўшишнинг барча тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Хўжалик пахтакорлари ғўзани барвақт озиқлантиришга алоҳида аҳамият беришади. Мана, бу йил ҳам барча майдонлардаги ғўза қулай агротехника муддатларида озиқлантирилди. Ўғит солиш ишлари тугалланай деб қолди. Ҳозир пахта майдонларининг сўнгги гектарлари ўғитланмоқда. Ҳар гектар ерга 200—250 килограммдан азот солинмоқда. Бу ишда сергайрат механизаторлардан Қўчқор Қодиров, Турқора Раҳимбердиев, Николай Подгорний, Тўрабек Тўлабоев, Очил Эрбўтаев, Ўрол Мухторов сингари ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

Сифатли ишлов берилаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ривожланмоқда. Ҳозир ҳар тўп ғўзада 5—6 тадан шона, 3—4 тадан гул ва 1—2 тадан кўсак санаш мумкин.

— Хўжалигимизда пахтачиликдаги прогрессив усуллар кенг қўлланилаяпти, — дейди колхоз раиси ўртоқ Остонақул Туратов. — Ана шу усуллардан бири — чигитни кенг қаторлаб экишдир. Кенг қаторлар биринчи навбатда машиналарга кенг йўл очиб бераркан. Бундан ташқари, кенг қаторлаб экилган майдонлардаги ғўза тор қаторлаб экилган майдонлардаги ғўзага нисбатан бирмунча тез ривожланиб, эрта ҳосилга кираркан, пахтаси ҳам барвақт пишиб етиларкан. Биз бу усулни кейинги икки йил давомида камроқ майдонларда синаб кўрдик. Натижаси яхши бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам бу йил мавжуд 1317 гектар майдонимизнинг 560 гектарига чигитни гербицидлаб ишлаган ҳолда кенг қаторлаб экдик. Бу майдонлардаги ғўза ҳозир колхозимизнинг энг олди ғўзалари бўлиб ҳисобланади. Кенг қаторларда тракторлар яйраб ишлаяпти. Ўғитлаш ва культивация қилиш тез ва сифатли ўтказиляпти. Бегона ўтлардан ному-нишон ҳам кўринмайди.

Бу майдонларда пахта териш машиналари ҳам унумли ишлаётган бригадирлар, агрономлар ва колхоз раҳбарларининг сувчилар билан суҳбатлашиши тунги сукунатни бузиб туради. Колхозда тунги суғориш ишлари намунали йўлга қўйилган. Мўл «оқ олтин» етиштиришдек катта мақсадни дилларига жо қилган фидокор сувчилар тунни кунга улаб самарали меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик деҳқонлари ғўзани ўғитлаш, суғориш ва культивация қилиш ишларини бир-бирига мувофиқ равишда қулай агротехника муддатларида ўтказмоқдалар. Колхоз пахта майдонларининг тўқсон процентини қирлик ерлар ташкил қилади. Бундай ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш, ҳар туп ғўзани сувга қондириш, қатор ораларини сифатли культивация қилиш — деҳқонлар ва механизаторлардан катта маҳорат талаб этади. Колхозчилар буни яхши тушунган ҳолда ҳар бир ишни нобуд қилмай, ғўзага ичириш, барча майдонларни оби-тобида суғориш, сув режимини тўғри олиб бориш ва умуман суғориш билан боғлиқ, бўлган барча ишларни агротехника талаблари даражасида бажаришга жиддий эътибор бермоқдалар.

Колхозда ишнинг кўзини биладиган уста сувчилар кўп. Улар ҳар бир пайкалнинг тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда қачон ва қай тарзда суғоришни яхши билишади. Суғориш — пахтачиликдаги энг масъулиятли ишлардан биридир. Шунинг учун ҳам колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ишни катта тажриба орттирган сувчиларга топширган. Уларнинг иши устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

Уста пахтакор Абдували ака Расулматов бошчилик қилаётган юқори ҳосилли бригадада суғориш ишлари айниқса намунали ташкил этилган. Миришкор сувчилардан Эргаш Аҳмедов, Ҳасанбой Бозоров ўртоқлар пахта пайкалларига сув тарашда ўзларининг бутун маҳоратларини ишга солмоқдалар. Улар ҳар куни белгиланган нормадагидан бир ярим-икки ҳисса ортиқ майдонни қондириб суғормоқдалар. Колхознинг илғор сувчиларидан Йўлчи Кенжаев, Усмонқул Мелдабеков, Ўринбой Ўсаров, Ҳусайн Ҳасанов сингари ўртоқлар ҳам ғўзани сифатли суғоришда, нормани ошириб бажаришда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Колхоз далаларини тунда кезган киши ажойиб манзарани кўради. Жўяклардан жилдираб оқаётган сув ой ёғдусида ажиб товланади. Ҳар ер-ҳар ерда сувчиларнинг фонуси милтираб кўринади. Сувчиларнинг кетмон уриши, узоқдан бир-бирига ган қотиши, ҳазиллашиши, ҳатто ашулаларини ҳам эшитасиз. Ҳа, ёз чилласи ҳар дами тилла билан баробар. Бобо деҳқонлар ўзларининг кўп йиллик бой тажрибаларига таяниб айтиш-ган, бу теран мазмунли мақолни.

Ишбилармон раҳбарлар, уста мутахассислар, асл деҳқонлар ва моҳир механизаторлар меҳнат қилаётган илғор хўжаликларда мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилмоқда. Ўз вақтида ўтказилаётган, культивация қилинаётган, кеча-кундуз суғорилаётган ва умуман деҳқон меҳрига қонаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ўсмоқда, гулига гул, қўсагига қўсак қўшмоқда.

Бундай ажойиб манзарани областимизнинг кўплаб пешқадам хўжаликларида кўриш мумкин. Қуйида биз Оққўрғон районидаги Войтинцев номли колхоз пахтакорларининг шу кеча-кундузда қилаётган ишлари ҳақида гапирмоқчимиз.

Бу колхознинг «оқ олтин» соҳибкорлари пахтадан йил сайин тобора кўпроқ ҳосил олиб келмоқдалар. Улар ўтган беш йиллик мобайнида мамлакатга 18 минг 400 тоннадан зиёд пахта армуғон этган эдилар. Янги беш йиллик учун белгиланган марра эса — ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 22 минг тоннадан ортиқ пахта етказиб беришдан иборат.

Колхоз далаларида шу кеча-кундузда ғўза парвариши ўзининг қизғин жаҳасига кирган. Беш йилликнинг биринчи йилида давлатга пландагидан минг тонна ортиқ, яъни 4070 тонна пахта етказиб беришга, ҳосилдорликни етти центнер ошириб, колхоз бўйича ўрта ҳисобда 31 центнерга етказишга астойдил бел боғлаган деҳқонлар ва механизаторлар ҳозирги ҳар бир кунни, ҳар бир соатни ғаниматдек билиб, ҳосилга ҳосил қўшишнинг барча тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Хўжалик пахтакорлари ғўзани барвақт озиқлантиришга алоҳида аҳамият беришади. Мана, бу йил ҳам барча майдонлардаги ғўза қулай агротехника муддатларида озиқлантирилди. Ўғит солиш ишлари тугалланай деб қолди. Ҳозир пахта майдонларининг сўнгги гектарлари ўғитланмоқда. Ҳар гектар ерга 200—250 килограммдан азот солинмоқда. Бу ишда сергайрат механизаторлардан Қўчқор Қодиров, Турқора Раҳимбердиев, Николай Подгорний, Тўрабек Тўлабоев, Очил Эрбўтаев, Ўрол Мухторов сингари ўртоқлар бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

Сифатли ишлов берилаётган ғўзалар кун сайин барқ уриб ривожланмоқда. Ҳозир ҳар тўп ғўзада 5—6 тадан шона, 3—4 тадан гул ва 1—2 тадан кўсак санаш мумкин.

— Хўжалигимизда пахтачиликдаги прогрессив усуллар кенг қўлланилаяпти, — дейди колхоз раиси ўртоқ Остонақул Туратов. — Ана шу усуллардан бири — чигитни кенг қаторлаб экишдир. Кенг қаторлар биринчи навбатда машиналарга кенг йўл очиб бераркан. Бундан ташқари, кенг қаторлаб экилган майдонлардаги ғўза тор қаторлаб экилган майдонлардаги ғўзага нисбатан бирмунча тез ривожланиб, эрта ҳосилга кираркан, пахтаси ҳам барвақт пишиб етиларкан. Биз бу усулни кейинги икки йил давомида камроқ майдонларда синаб кўрдик. Натижаси яхши бўлиб чиқди. Шунинг учун ҳам бу йил мавжуд 1317 гектар майдонимизнинг 560 гектарига чигитни гербицидлаб ишлаган ҳолда кенг қаторлаб экдик. Бу майдонлардаги ғўза ҳозир колхозимизнинг энг олди ғўзалари бўлиб ҳисобланади. Кенг қаторларда тракторлар яйраб ишлаяпти. Ўғитлаш ва культивация қилиш тез ва сифатли ўтказиляпти. Бегона ўтлардан ному-нишон ҳам кўринмайди.

Бу майдонларда пахта териш машиналари ҳам унумли ишлаётган бригадирлар, агрономлар ва колхоз раҳбарларининг сувчилар билан суҳбатлашиши тунги сукунатни бузиб туради. Колхозда тунги суғориш ишлари намунали йўлга қўйилган. Мўл «оқ олтин» етиштиришдек катта мақсадни дилларига жо қилган фидокор сувчилар тунни кунга улаб самарали меҳнат қилмоқдалар.

Хўжалик деҳқонлари ғўзани ўғитлаш, суғориш ва культивация қилиш ишларини бир-бирига мувофиқ равишда қулай агротехника муддатларида ўтказмоқдалар. Колхоз пахта майдонларининг тўқсон процентини қирлик ерлар ташкил қилади. Бундай ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш, ҳар туп ғўзани сувга қондириш, қатор ораларини сифатли культивация қилиш — деҳқонлар ва механизаторлардан катта маҳорат талаб этади. Колхозчилар буни яхши тушунган ҳолда ҳар бир ишни нобуд қилмай, ғўзага ичириш, барча майдонларни оби-тобида суғориш, сув режимини тўғри олиб бориш ва умуман суғориш билан боғлиқ, бўлган барча ишларни агротехника талаблари даражасида бажаришга жиддий эътибор бермоқдалар.

32 центнер учун курашаётган Туймабой Турдиқулов бошлиқ бригада далаларида иш ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетган. Звено бошлиғи — механизатор Сафарали Абдуллаев қир ерларда трактор ва пахта териш машинасини зўр маҳорат билан бошқаради. Мана, бу йил ҳам ғўза қатор ораларига ишлов беришда кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. У ўз трактори билан кунига 12—13 гектар майдондаги ғўзани сифатли культивация қилмоқда.

Сафарали ака ва бошқа механизаторлар қатор ораларига ишлов берганда тракторларни эҳтиёткорлик билан бошқариб, бирор туп ғўзани ҳам нобуд қилмасликка алоҳида аҳамият берадилар. Шунинг учун ҳам ҳозиргача колхоз бўйича ҳар гектар майдонда ўрта ҳисобда 95—100 минг туп кўчат сақлаб қолинган.

Шайхи Бўрибеков бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси — колхознинг илғор ва юқори ҳосилли бригадаларидан биридир. Бу бригада аъзолари беш йилликнинг биринчи йилида гектар бошига олинадиган ҳосилни камида 33 центнерга етказишмоқчи ва ялпи ҳосилнинг 80 процентидан кўпроғини «зангори кема»ларда йиғиштириб олишмоқчи.

Бригадир Шайхи Бўрибековнинг ўзи ишчан агитатор ҳамдир. У тушки дам олиш пайтларида колхозчиларни партия ва ҳукуматнинг қарорлари билан таништиради, оламда бўлаётган янгиликлардан хабардор қилади, мусобақадош бригадалар ва хўжаликларда иш қандай кетаётганлиги ҳақида сўзлаб беради.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далада меҳнат қилаётганларга қулай маданий-маиший шароитлар яратиб берган. Барча дала шийпонлари пахтакор деҳқонларнинг чинакам ҳордиқ чиқарадиган жойига айлантирилган. Колхозчилар дам олиш пайтларида газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишадилар, шахмат ва шашка ўйнайдилар, агитатор ва пропагандистларнинг лекция ва суҳбатларини тинглайдилар. Доимий ва мавсумий болалар боғчалари меҳнаткаш аёлларга катта қулайликлар туғдирмоқда.

Июль ойини зарбдор ой деб ҳисоблаб, ғўза парваришини ҳар томонлама авж олдирилаётган бу колхознинг азамат пахтакорларига катта муваффақиятлар тилаймиз, «Хирмонингиз баракали бўлсин!» деймиз.

Ш. ИЛЕСОВ.

Бука районидаги «Октябрь» 40 йиллиги» колхозининг чорвадорлари қишловга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Айниқса бу ерда мўл-кўл чорва озуқаси жамғаришга эътибор катта. Ҳар бир колхозчи ўзига топширилган ишни садоқат билан бажараётганлиги сабабли ҳам кўплаб хашак ва ширали озуқа кўп тайёрланмоқда. Суратда: чорва озуқаси етиштириш бригадасининг илғор звено бошлиғи Қурбон Касиев. У қишлиқ звенода хашаки лавлагини парвариш қилиш намунали йўлга қўйилган.

Р. ИНАМСУТДИНОВ фотоси.

●

Оққўрғон районидаги «Гулистон» колхозида мўл-кўл «кўк олтин» етиштирилмоқда. Лубкорлар ҳар бир картадаги ниҳолни меҳр билан парвариш қилиб, ўз вақтида суғориб туришлари сабабли каноп поляларининг бўйига бўй қўшилмоқда. Бу ишда бригада бошлиғи Елена Цойнинг ҳам хизмати каттадир. Бригада аъзолари ҳар гектар ердан 175 центнердан каноп пояси топширишга қатъий бел боғлаган ҳолда ишламоқдалар. Суратда: ўртоқ Е. Цой.

Қ. РОЗИҚОВ фотоси. (ЎЗТАГ).

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ МЕХАНИЗАТОРЛАР

Яқинда «Ҳандам» канали қурилиш майдонида ажойиб бир мусобақа ўтказилди. Тошкент область комсомол комитети ва область суғориш ситемаси бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган бу беллашувда энг чаққон скрейперчилар, бульдозерчилар ва экскаваторчилар қатнашдилар.

Биринчи бўлиб майдонга скрейперчилар тушишди. 4-кўчма механизациялашган колонна скрейперчиларидан отабола Владимир ва Юрий Игнатьевларнинг маҳоратига ҳамма қойил қолди. Ўн саккиз ёшли комсомол аъзоси Юрий Игнатьев бундай мусобақаларда биринчи бор қатнашган бўлса ҳам отасидан кейин иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. У яқидагина ўрта мактабни тамомлаб, механизаторлар курсига ўқишга кирган эди.

Экскаваторчи ва бульдозерчилар мусобақаси ҳам қизиқарли ўтди. Бу конкурсда 4-кўчма механизациялашган колонна экскаваторчиси Д. Гук ва Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси бульдозерчиси А. Говрилов ўртоқлар биринчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Ғолиб механизаторлар область комсомол комитети ва область суғориш системаси бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари, Ленин силуэти туширилган эсдалик медаллари ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТАСЛИМ БЎЛМАЙДИГАН ХАЛҚ

20 ИЮЛЬ — ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК ХАЛҚАРО КУНИ

●

Вьетнам тўғрисида шуни айтиш мумкинки, у барча жаҳаннам азоб-уқубатларини бошидан кечирган бўлса ҳам, лекин таслим бўлмади. Хитой боғдихонлари асрлар давомида уни эзиб келдилар. Уларнинг ўрнини француз мустамлакачилари эгалладилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бу мамлакатга япон босқинчилари ҳужум қилиб турдилар. Урушдан кейин яна французлар қайтиб келдилар. Вьетнамга тиқилари ўтмагандан кейин Меконг соҳилларига Америка интервентлари туширилди. Бундан 17 йил муқаддам — 1954 йил июль ойида Вашингтон Женевада тузилган битимларни қўпол равишда поймол қилиб, Вьетнамни асоратга солиш планини амалга ошира бошлади.

Америка ҳарбийлари кийимидаги ҳозирги замон ваҳшийлари гитлерчи жаллодлар изидан бордилар. 11 июлда «Вашингтон пост» газетасида эълон қилинган, конгресснинг бир группа ходимлари тузган докладда мудҳиш фактлар келтирилган. Америка Қўшма Штатлари Вьетнамда олиб борган урушига қарийб 20 миллиард доллар сарфлади. Демак, Америкадаги бутун ёш, қаришлардан, ҳар бирига бу уруш таҳминан минг долларга тушди. Қарийб 6 миллион тонна «авиация ўқ-дорилари» — бомбалар, ракета ва снарядлар Вьетнам устига ёғдирилди. Бу эса Америка авиациясининг бутун иккинчи жаҳон уруши давомида ёғдирган ажал ўқидан қарийб уч баравар кўп.

Империализмга қарши курашчиларнинг бирдамлиги буюк куч. Шу бирдамлик туфайли АҚШнинг Вьетнамдаги агрессив ниятлари барбод этилди. Америка интервенцияси шармандаларча барбод бўлди. Эндиликда Вьетнамнинг дўстлари Америка агрессиясининг тезроқ тўхталиши учун, барча низоқоби остида қилаётган ишлари мана шулардан иборат. Шу кунларда ҳам Американинг 236 минг солдати (7-флотнинг 20 минг денгизчиси бу ҳисобга кирмайди), Жанубий Кореянинг 50 минг ва Таиланднинг 12 минг солдати Жанубий Вьетнамда жанг қилаётган экан, қандай «урушни тугатиш» тўғрисида гап бориши мумкин.

Пойтахт Сайгон яқин жойларда ва Жанубий Вьетнамнинг бошқа районларида ватанпарварларнинг отрядлари актив ҳаракат қилмоқда. Айни вақтда, шаҳар аҳолисининг Америкага қарши харакати кучайиб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXIV съездида КПСС Марказий Комитети номидан қилган ҳисобот докладида Америка Қўшма Штатларининг Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларига қарши давом этаётган агрессиясини ҳозирги замон мустамлакачилари қилаётган энг қабиҳ иш, Америка учун шармандалик деб атади. Совет кишилари қаҳрамон Вьетнамга ҳамиша ҳайриҳоҳ бўлиб, уни доимо қўллаб-қувватлайдилар. Вьетнам халқи албатта ғалаба қозонади.

Полковник А. ЛЕОНТЬЕВ. (ТАСС).

Данияда қаҳрамон Вьетнам халқининг мардонавор курашини ёқлаб чиқаётганлар ҳаракати тобора кенгаймоқда. Вьетнам фондига ёрдам маблағлари тўпланмоқда, Америка қўшинларининг ёвузликларини фош этувчи намойишлар уюштирилмоқда, виставкалар ташкил этилмоқда. Суратда: артист Курк Вилькен (ўртада) виставкани намойиш этиш пайтида босқинчиларни қораловчи қўшиқ ижро этяпти.

В. Виливанний фотоси.

ТАСС фотохроникаси.

ҲИНДИСТОНДА ШАРҚИЙ ПОКИСТОН ҚОЧОҚЛАРИ ҚАРИЙБ 7 МИЛЛИОН КИШИГА ЕТДИ

ДЕҲЛИ, 17 июль. (ТАСС). ПТИ агентлиги мамлакатнинг чегара районларидан олинган маълумотларга асосланиб хабар беради: Ҳиндистонда Шарқий Покистондан қочиб келган кишилар сони 6 миллион 833 минг кишига етди. Қочоқларнинг кўпчилиги — 5 миллион 225 минг киши ҳали ҳам Ғарбий Бенгалия штатида жойлашган. Ғарбий Бенгалия, Ассам ва Трипура каби чегарадаги штатларнинг ички районларида, шунингдек Бихар, Мадҳя Прадеш ва Уттар Прадеш штатларидаги махсус қурилган лагерларда 173 мингга яқин киши яшамоқда.

Ҳиндистон марказий ҳукумати қочоқларни чегара районларидан мамлакатнинг ички штатларига кўчиришни давом эттирмоқда.

ДЕҲЛИ, 17 июль. (ТАСС). Ҳиндистондаги энг катта дарёлардан бири — Брамапутра қаттиқ ёғингарчилик натижасида тошиб кетди. ПТИ агентлигининг хабар беришича, Шарқий Ҳиндистондаги Ассам штатининг кўпгина районларида тош йўлларни сув босган, темир йўл алоқаси узилган. Брамутра дарёси тошиб шоли ва жут экилган жуда кўп ерларни сув остида қолдирди. Мингминглаб кишилар бошпанасиз қолдилар. Шу штатнинг ҳукумати тошқиндан зарар кўрган аҳолига ёрдам бермоқда.

ҚАРОҚЧИЛАРНИНГ ҲУЖУМИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 июль. (ТАСС). Американинг В—52 стратегик бомбардимончи самолётлари Жанубий Вьетнамнинг демилитарлаштирилган зона яқинидаги районларга кенг кўламда ҳужум қилдилар, Ҳаво қароқчилари шу районларга 360 тоннадан кўпроқ бомба ташладилар.

АП агентлиги мухбирининг Сайгондан хабар беришича, америка авиацияси шу районларни бомбардимон қилишни кескин кўпайтирди. Америка ҳарбий қўмондонлиги ҳаводан бомбардимон қилиш янада кучайтириб юборилишини билдирди.

МЕҲНАТИНГ — ЗИЙНАТИНГ

Ёши бир жойга бориб қолган чол ва кампир магазин бўлимларини айланиб юриб, хўжалик моллари секцияси олдида узоқ туриб қолишди.

Буни сезган ўрта ёшлардаги сотувчи йигит бошқа харидорга муомала қилиб бўлиб, улар олдига келди:

— Хўш, хизмат?

— Шу, деган ўглим, тўй қилмоқчиман, яхши бир поёндоз зарур бўлиб қолди.

— Жуда яхши ният қилибсизлар. Мана, хоҳлаганларингизни танлаб олишларингиз мумкин.— сотувчи йигит прилавкалар устига ёзиб қўйилган ранг-баранг гилам ва шолчаларга ишора қилди.

— Энди болам, ўзингдан қолгани йўқ. Бизга ҳам чиройли, ҳам арзонроғидан бўлса.

— Яхши, отахон! Мана бунисизларга ёқадими?— деди сотувчи таги қизил гулдор гиламни кўрсатиб.— Нархи ҳам унча қиммат эмас.

— Маъқул, ўглим, ўраб беракол!

Кексалар сотувчи йигитга кўпдан-кўп раҳмат айтишди:

— Умрингдан барака топ ўглим, сира кам бўлма!

— Арзимайди, отахон, келиб турингиз!..

Хўжалик моллари секциясининг мудири Рихсивой Акбаровни ишини севган савдо ходими, дейишади. Илгари унинг ишчи бўлгани учун эмас, кўпроқ ишчанлиги боисидан шундай дейишса керак. Чиндан ҳам унинг меҳнатсеварлигига, ғайратига ҳамма таҳ беради. Секциядаги сотувчилар ҳам унинг ўзига ўхшаш сергайрат, мулозаматли йигитлар. Ҳар бир харидор улар хизматидан мамнун.

— Биз,— дейди секция мудири Р. Акбаров,— харидорларни магазинимиздан совға-саломсиз чиқариб юбормасликка ҳаракат қиламиз.

Йигирма уч йилдан буён савдо соҳасида ишлаб келаётган Рихсивой Акбаровнинг бу гапларида жон бор. Магазинга кирган ҳар бир кишининг бирон бир нарса харид қилиши унинг ўз эҳтиёжидан ташқари сотувчининг хизмат кўрсатиш санъатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

«Бахт қушинг — меҳнатда» дейди халқимиз. Ҳақ гап. Меҳнат қилиб, тер тўкиб ҳеч ким кам бўлган эмас. Рихсивой Акбаров ҳам ана шундай меҳнатдан бахт топганлардан. У олий маълумотли, совет савдоси аълочиси ва коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номларга эга. Яхши меҳнатлари эвазига «Шавкатли меҳнати учун», Ленин юбилей медаллари ва кўпгина фахрий ёрлиқлар олган. Кечагина унинг кўксини янги юксак мукофот — Меҳнат Қизил Байроқ ордени безади.

Ҳозир Рихсивой Акбаров мудирлик қилаётган секция орденли Тошкент универсал магазинида пешқадамлардан бири саналади. Бу коллектив ўзаро социалистик мусобақада шу йилнинг биринчи квартали якунлари бўйича корхонада иккинчи мукофотли ўринни эгаллади.

Анфиса Гусевани ҳам универмагда яхши билишади. У галантерея бўлими секциясига мудир. Савдо соҳасида 30 йилдан бери ишлаб келади. Ўнлаб шогирд етиштирган аёл. Ҳозир ҳам у иккі шогирдига қунт билан тажриба ўргатиб келмоқда.

А. Гусева 1952 йилдан буён Коммунистик партия сафида, универмаг партия бюросининг аъзоси, актив жамоатчи. У бошлиқ зарбдор меҳнат бригадаси бу йил зиммасига юксак мажбурият олиб ишламоқда. Куни кеча ана шу аҳил коллектив Анфиса Алексеевнани юксак ҳукумат мукофоти — Ленин ордени билан қизғин қутлади.

Бундай илғор, кўксини қаторқатор орден ва медаллар безаган савдо ходимлари Меҳнат Қизил Байроқ орденли Марказий универсал магазинида кўплаб топилади. Яқинда улар ёнига яна беш киши қўшилди.

— Бизга берилган мукофот, — дейди Ленин орденли Анфиса Гусева,— коллективимиз меҳнатига берилган баҳодир. Шундай экан, ҳукуматимизнинг бу юксак ишончини оқлаш учун бундан буён янада эўр ғайрат билан меҳнат қиламиз. Савдо маданиятини янада юқори погоналарга кўтарамиз. Коллективимиз олти ойлик савдо обороти планини муваффақиятли адо этди. Аҳолига пландан ташқари 1 миллион сўмликдан ортиқ турли саноат моллари сотилади. КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этаётган универмагимиз коллективи шу кунларда янги беш йилликнинг биринчи йили учун олинган юксак социалистик мажбуриятни

ТОШКЕНТ СОВҒАЛАРИ

Тошкент Иттифоқ миқёсидаги йирик саноат шаҳридир. Пойтахт шаҳарда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик машиналари, тўқимачилик машиналари ва бошқа маҳсулотлар жаҳонга манзур. Шаҳарнинг саноат қудрати кун сайин ортиб бормоқда, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Шу жумладан «Миконд» заводининг съезд йилида тайёрлашга киришган биллур буюмлари ҳозирданоқ кенг шуҳрат қозонди. Маҳсулотлар ичида совға-саломлар катта ўрин эгаллайди. Ўнгдаги суратда биллур идишлар намуналарини кўриб турибсиз. Чапдаги суратда совға-салом фабрикасининг «Ҳар доим бўлсин тинчлик» деб номланган ёдгорлик совғаси. Пастда эса шу фабрикада ҳайвон шохидан тайёрланган хўрозчалар.

М.НУРИДДИНОВ фотолари.

КАСБГА САДОҚАТ

ИЖОДИЙ МЕҲНАТ КИШИЛАРИ

●

Сўлим ҳиёбондан эллик ёшлар чамасидаги тим қора қошли, сочларига оқ оралаган киши жажжигина неварасини кўтариб борарди. Қизалоқ дадасининг кўксини тўлдириб турган орден ва медалларни пайпаслаб силар, теварак-атрофда ўйнаб юрган болаларга мағрур қараб қўярди. Толиб ака қаҳрамонлар ҳиёбонига келиб ёдгорлик ёнида узоқ туриб қолди. Вужуди бўшашиб, оғир ҳўрсинди. Собиқ фронтчи ана шу метин тош билан ўтмишнинг мудҳиш онлари ҳақида сўҳбатлашарди...

Дилдора ҳовлидан узиб келтирган гулдастани супача устига қўйди. Сўнгра маъноли оҳангда дадасига қаради.

— Дадажон, сиз кўп йиллар урушда бўлгансиз, айтиб берингчи, уруш ўзи нима?

Тўрт яшар болага икки оғиз сўз билан буни тушунтириб бўлармиди? Толиб ака гапни узоқдан бошлади...

Бегубор ёшлик даври орзу-ҳавас, ҳис-ҳаяжонларга тўлиқ бўлади. Ёш Толибжон мактабда ўқиб юрган кезларидёқ киномеханик касбига ҳавас қўйди. У дарс тугаши билан тўғри пойтахтимиздаги «Ёш гвардия» кинотеатри томон ошиқарди. Ўнинчи синфни муваффақиятли тугатгач, шу кинотеатрда киномеханикка шогирд тушди. Икки йил ичида бош механик даражасига кўтарилди.

1938 йилда ҳарбий хизматга отланди. Толибжон хизмат қилаётган қисм Ленинград шаҳрида жойлашганди. Ёш жангчи уч йил мобайнида алоқачилар курсини муваффақиятли тугатди. У армия сафида ҳам ўз касбига содиқ бўлиб қолди, Қисм клубининг бошлиғи, шунингдек, киномеханик вазифасини адо этди.

Ҳарбий хизматни тугатиб, эндигина жонажон шаҳрига кетишга ҳозирлик кўраётганди, қўққисдан уруш бошланиб қолди. «Онажон, эртага поездга чиқаман. Бир ҳафта деганда дийдор кўришамиз» маъноёмб, ёёёган ҳаҳни йиғитиб, ўрнига қўйидаги мактубни ёзлади: «Онажон, уруш бошланди. Дохиймиз В. И. Ленин шаҳри мудофаасида турибмиз. Мендан ҳавотир олманг, немис-босқинчиларга қақшатгич зарба бераверамиз. Дийдор кўришгунча хайр...».

Қизил Байроқли 115-дивизия Финляндия бўғози соҳилида мустаҳкам ўрнашиб олганди. Толиб ака шу дивизиянинг 313-артиллерия полкида алоқачи бўлиб хизмат қилди.

Нима бўлдию, бир куни кининг эр қизиғи келган пайтда тўхтаб қолди. Чодир ичида ўтирганлар хавотирланиб ташқарига отилиб чиқишди. Кино аппаратини ишлатаётган Толибжон хушсиз ётарди. Ҳамширалар ёрдамга келишди. Аниқланишича, кино намойиш этилаётганида душман ўқи Толибжоннинг ўнг қўлини жароҳатлантирган экан.

Ленинград 1943 йилда душман қуршовидан чиқди. Ленинград шаҳрини душмандан озод этган совет жангчилари ҳозирги Калининград шаҳригача душманни қувиб келишди. Ўзбек ўғлони Толибжон ҳам мардонавор жанг қилди. Неча ўнлаб душман ёстиғини қуритди. У сўнгги жангларга ёш коммунист сифатида кирди. Жанг қилиш билан бир қаторда қуролдош дўстлари ҳузурида кинофильмлар намойиш этишни давом эттирди. Толибжон шу йил она-Ватан олдидаги хизматлари учун «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Ишчан ва тадбиркор коммунист 40 йилдан бери ўз касбига содиқ бўлиб келмоқда. У урушдан сўнгги йилларда шаҳар кинотеатрларида дастлаб киномеханик, сўнгра технорук бўлиб ишлади. 18 йил «Искра» кинотеатрида директор бўлиб ишлади. Ер қимирлаб, «Искра» кинотеатри яроқсиз ҳолга келди. Пойтахтимизда «Искра» кинотеатри бирлашмаси ташкил топди. Толиб ака олти йилдан бери шу бирлашмага директорлик қилиб келмоқда.

«Искра» бирлашмасига «Фестиваль», «Ўзбекистон 25 йиллиги», «Хива», «Ташгрэс» каби кинотеатрлар киради. Буларда 20 га яқин киномеханик, ўнлаб кассир ва контролёр ишламоқда. Толиб ака коллективнинг ҳурмати устози ва отахонидир.

Коллектив орасида 15-20 йилдан бери ўз касбини улуғлаб келаётганлар кўплаб топилади. Директор ўринбосари Гамлет Туманянц, технорук Шоёқ Шоисҳоқов, бош киномеханик Бахтиёр Собиржонов, кассир Нина Григорянц ана шулар жумласидан. Улар Толиб ака бошчилигида самарали ишлаб, аҳолига намунали хизмат қилиш борасида янгидан-янги тадбирларни амалга оширишмоқда. Бир лашма давлат планини ҳар доим ортиги билан бажармоқда.

Моҳир ташкилотчи, камтарин раҳбар, халқимиз олдидаги хизматлари учун ҳукуматимиз томонидан бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. «Қизил Юлдуз» ордени, «Ленинградни мудофаа қилгани учун», «Жанговар хизматлари учун», «Кенигсбергни ишғол қилгани учун» медаллари унинг кўксини безаб турибди. Кўп марта республика Олий Совети Президиумнинг Фахрий ёрлиқларини олишга муяссар бўлган.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР кинематографияси аълочиси Толиб ака Одиловнинг келгуси ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

И. ЮСУПОВ.

Спорт

СПАРТАКИАДА РЕКОРДЛАРИ

СССР халқлари бешинчи спартакиадаси программасига киритилган мусобақалар қизғин давом этмоқда. Ҳар куни спортнинг 10—12 тури бўйича учрашувлар бўлмоқда. Ўтган шанба ва якшанба кунлари финалчилар мамлакат Европа ва жаҳон рекордлари жадвалига бир неча тузатишлар киритишди. Украина штангачиси А. Гнатов жим машқида 115 килограмм оғирликдаги тошни кўтариб жаҳон рекорди қўйди. Энг енгил вазнда қатнашган ўзбекистонлик полвон В. Лигай кучлилар сафидан жой олиб командамизга очко келтирди. У уч курашда 282,5 килограмм натижа билан саккизинчи бўлди. Енгил вазнда Г. Четин (РСФСР) кўрсатган натижа ҳам жаҳондаги ҳамма полвонларникидан ошиб тушди. У венгер Фельдиниг рекордини икки ярим килограммга яхшилади.

Спорт гимнастикаси мусобақалари Уфа шаҳрида ўтказилди. Қизларимиз умумкоманда ҳисобида кучли саккизликдан жой олдилар. Воронеж шаҳрида енгил атлетика мусобақаларида Ўзбекистон йигитлари 4х100 метрга эстафета югуришида олтинчи бўлдилар. Ядро иргитувчи Уманас ҳам республикамиз командасига очко олиб берди.

Ўн километрга югуриш мусобақаси ленинградлик Р. Шарафитдиновнинг ғалабаси билан тугади — 28 минут 39,4 секунд. Баландликка сакрашда украиналик Рустам Аҳмедов 2 метр 23 сантиметрга ўрнатилган планкадан ўтиб, спартакнада чемпиони бўлди. Қисқа масофаларга югуришда украиналик В. Борзов уч марта олтин медаль билан тақдирланди. У 200 метрга 20,2 секундда келиб, мамлакат ва Европа рекорди ўрнатди.

ПЕЛЕНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ЎЙИНИ

Бразилия терма командаси «Маракана» стадионида Югославия футболчиларн билан ўртоқлик учрашуви ўтказди. Бу ўйинда футбол юлдузи Пеле чемпионлар командасида сўнгги бор ўйнади. Ғоят қизиқарли курашдан сўнг ҳисоб 2:2 бўлди. Бразилияликлардан Ривелино ва Герсон, меҳмонлардан Жанч ва Ярошевич тўп киритдилар.

«ПОЛИТОТДЕЛ» ҒАЛАБАСИ

«Политотдел» колхози футболчилари Челябинскда маҳаллий «Локомотив»ни 1:0 ҳисобида ютдилар. 15 июлда бўлган навбатдаги тур ўйинларида «Янгиер» шу ҳисоб билан ўз майдонида «Зарафшон» устидан ғалаба қозонди. «Нефтяник» — «Олой» 2:2, «Звезда» — «Автомобилчи» (Термез) — 6:2 ҳисобида тугади.

„МЕҲНАТ КИШИЛАРИ—БЕШ ЙИЛЛИК ҚАҲРАМОНЛАРИ“

ЭНГ ЯХШИ ОЧЕРК, ҲИКОЯ, ЛАВҲА УЧУН КОНКУРС

КПСС XXIV съезди тўққизинчи беш йилликнинг конкрет режаларини белгилаб берди. Ҳамма жойда социалистик мусобақа кенг қулоч ёйиб, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан янги оширилган мажбуриятлар қабул қилинмоқда. Бир кун сайин меҳнат қаҳрамонларининг янги номларини эшитмоқдамиз. Уларнинг муваффақиятлари ҳамма учун намунадир.

КПСС XXIV съезди материаллари ва қарорларини кенг пропаганда қилиш ва ишчилар, колхозчилар ва зиёлиларнинг ижодий меҳнат ғалабаларини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент ташкилотининг правленияси пойтахт области ва Тошкент шаҳрининг беш йиллик қаҳрамонлари ва илғор корхоналари ҳақидаги энг яхши очерк, ҳикоя, лавҳа учун конкурс эълон қилади.

Конкурсда ёзувчилар, журналистлар, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, газетхонлар қатнашиши мумкин. Конкурс ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: 100 сўмлик битта биринчи, ҳар бири 75 сўмдан иккита иккинчи, ҳар бири 50 сўмдан учта учинчи мукофот.

Конкурсга материаллар 1971 йил 20 декабргача қабул қилинади. Уларни қуйидаги адресга юбориш керак: Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, «Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси. Конвертда «Меҳнат кишилари — беш йиллик қаҳрамонлари конкурсига» деб ёзиб қўйилиши лозим.

Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент ташкилотининг правленияси.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

САМОЛЁТСОЗЛАР МАМНУН

Чкалов номидаги самолётсозлик заводининг маъмурияти ишчи ва хизматчиларнинг кўнгилли дам олишлари учун тобора кўпроқ ғамхўрлик қилаяпти.

Жумладан, хушманзара ҳамда соя-салқин Чимён, Хумсонда, Сирдарё бўйларида заводнинг туристик базалари мавжуд бўлиб, уларда ҳар икки дам олиш кунида 80—100 киши ҳордиқ чиқаряпти. Бундан ташқари, ой сайин 40—50 ишчи ва хизматчи Қрим, Сочи, Адлер каби шифобахш масканларда даволаниб қайтмоқда.

ЯНГИ КЎПРИК

Энгельс кўчасидан бошланадиган М. Горький номли магистрал давом эттирилиши туфайли Анҳорга янги кўприк қурилмоқда. Кўприк битгач, Горький кўчаси Навоий кўчаси билан параллел давом этиб, «Ёш гвардия» театри рўпарасигача чиқади. Шу кунларда кўприк қурилишига қизғин тайёргарлик кўриляпти.

С. СУЛТОНОВ.



Янгийўл районидаги Собир Раҳимов номли колхоз территориясида кўп йиллардан бери пионер лагери ишлаб турибди. Ҳозир лагерь қучоғида юзга яқин ўғил-қизларимиз мириқиб дам олишмоқда. Суратда: лагерь қўйнида.

А. АБАЛЯН фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент пассажир станциясидан пассажир поездларининг 1971 йил ёз мавсумида қатнаш ва тўхтаб ўтиш

Ж А Д В А Л И

1971 йил 31 май 00 соатда бошланган

Москва вақти билан

Поездлар номери	МАРШРУТЛАР	Тўхтайдиган жойлари	Қатнайдиган кунлари	Вақти: Келиши соат мин.	Тўхтаб турадиган вақти мин.	Жўнаши соат мин.
5	Тошкент—Москва	Куйбишев, Рузаевка	ҳар куни	—	—	12—23
6	Москва—Тошкент	» »	»	6—55	—	—
11	Ашхобод—Москва	Мичуринск, Саратов	»	19—20	20	19—40
12	Москва—Ашхобод	» »	»	3—23	15	3—38
23	Душанба—Москва	Куйбишев, Пенза	»	17—25	20	17—45
24	Москва—Душанба	» »	»	12—58	13	13—11
33	Андижон—Москва	Куйбишев, Рузаевка	»	18—39	20	18—59
34	Москва—Андижон	» »	»	23—00	20	23—20
63	Тошкент—Ленинград	Рязань, Рузаевка	Йўллар министрлигининг алоҳида кўрсатмасига биноан	—	—	2—23
64	Ленинград—Тошкент	» »	»	2—49	—	—
79	Душанба—Тошкент	Пролетаробод	ҳар куни	14—28	—	—
80	Тошкент—Душанба	» »	»	—	—	20—42
83	Қўнғирот—Тошкент	Чоржўй	»	13—25	—	—
84	Тошкент—Қўнғирот	» »	»	—	—	17—50
85	Тошкент—Москва	Куйбишев, Рузаевка	»	—	—	14—49
86	Москва—Тошкент	» »	»	20—31	—	—
87	Жалолобод—Фрунзе	Луговая, Арись, Ховаст	тоқ кунларда	8—50	15	9—05
88	Фрунзе—Жалолобод	» »	жуфт кунларда	3—14	15	3—29
89	Красноводск—Тошкент	Ашхобод	ҳар куни	11—30	—	—
90	Тошкент—Красноводск	» »	»	—	—	10—15
99	Тошкент—Иркутск	Новосибирск	душанба, чоршанба, жума	—	—	11—55
100	Иркутск—Тошкент	» »	сешанба, пайшанба якшанба	13—39	—	—
99	Тошкент—Красноярск	» »	сешанба, пайшанба, шанба, якшанба	—	—	11—55
100	Красноярск—Тошкент	» »	душанба, чоршанба, жума, шанба	13—39	—	—
101	Тошкент—Новосибирск	Олма-Ота	ҳар куни	—	—	17—20
102	Новосибирск—Тошкент	» »	ҳар куни	8—18	—	—
105	Тошкент—Целиноград	Чуй, Мойнти	ҳар куни	—	—	14—02
106	Целиноград—Тошкент	» »	»	7—26	—	—
119	Андижон—Москва	Куйбишев, Пенза	душанба, чоршанба, жума	23—30	20	23—50
120	Москва—Андижон	» »	сешанба, пайшанба, якшанба	22—25	20	22—45
119	Тошкент — Москва	» »	сешанба, пайшанба, шанба, якшанба	—	—	23—50
120	Москва—Тошкент	» »	душанба, чоршанба, жума, шанба	22—25	—	—
135	Жалолобод—Куйбишев	Оренбург	тоқ кунларда	5—45	20	6—05
136	Куйбишев—Жалолобод	Оренбург	жуфт кунларда	15—09	15	15—24
135	Душанба—Куйбишев	» »	»	5—45	20	6—05
136	Куйбишев—Душанба	» »	тоқ кунларда	15—09	15	15—24
139	Самарқанд—Москва	Рязань, Рузаевка	Йўллар министрлигининг алоҳида кўрсатмасига биноан	1—57	26	2—23
140	Москва—Тошкент	» »	»	2—49	—	—
147	Тошкент—Челябинск	Чуй, Мойнти	»	—	—	18—39
148	Челябинск—Тошкент	» »	»	7—42	—	—
157	Тошкент—Оренбург	Илецк	тоқ кунларда	—	—	15—24
158	Оренбург—Тошкент	» »	жуфт кунларда	14—25	—	—
159	Тошкент—Москва	Ряжск, Мичуринск, Саратов	ҳар куни	—	—	17—01
160	Москва—Тошкент	» »	»	19—51	—	—
161	Тошкент—Свердловск	Кандагач	жуфт кунларда	—	—	15—24
162	Свердловск—Тошкент	» »	тоқ кунларда	14—25	—	—
163	Тошкент—Қараганда	Чуй, Мойнти	Йўллар министрлигининг алоҳида кўрсатмасига биноан	—	—	18—24
164	Қараганда—Тошкент	» »	»	14—35	—	—
167	Андижон—Томск	Барнаул, Белово	ҳар куни	4—25	20	4—45
168	Томск—Андижон	» »	»	14—00	20	14—20
171	Тошкент—Барнаул	Олмаота	сешанба, чоршанба, жума, якшанба	—	—	22—00
172	Барнаул—Тошкент	» »	»	18—23	—	—
171	Тошкент—Омск	» »	душанба, пайшанба, шанба	—	—	22—00
172	Омск—Тошкент	» »	»	18—23	—	—
175	Тошкент—Новокузнецк	Барнаул	Йўллар министрлигининг алоҳида кўрсатмасига биноан, жуфт кунларда	—	—	11—46
176	Новокузнецк—Тошкент	» »	»	8—38	—	—
179	Тошкент—Қозон	Куйбишев, Ульяновск	жуфт кунларда	—	—	19—18
180	Қозон—Тошкент	» »	»	6—25	—	—
179	Тошкент—Уфа	Кинель	тоқ кунларда	—	—	19—18
180	Уфа—Тошкент	» »	»	6—25	—	—
195	Тошкент—Харьков	Саратов, Валуйки	ҳар куни	—	—	3—41
196	Харьков—Тошкент	» »	»	12—20	—	—
257	Андижон II—Тошкент	Қўқон, Наманган	»	3—46	—	—
258	Тошкент—Андижон II	» »	»	—	—	18—10
259	Андижон—Тошкент	Ховаст	»	5—36	—	—
260	Тошкент—Андижон	» »	»	—	—	20—05
261	Учқудуқ—Тошкент	» »	»	2—10	—	—
262	Тошкент—Учқудуқ	Жиззах	»	—	—	19—50
266	Тошкент—Қарши	» »	душанба, чоршанба, жума	—	—	21—40
265	Қарши—Тошкент	» »	чоршанба, жума якшанба	3—18	—	—

Урта Осиё темир йўл бошқармаси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 19.00 — Рангли телевидение. Футбол бўйича СССР биринчилиги. «ПАХТАКОР» — «КАРПАТИ» (Львов). Тажриба кўрсатуви. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси. 20.45 — «Беш йиллик — республика бўйлаб кезади».

Ўзбек тилида: 21.15 — «Ахборот» информацион программаси. 21.30 — «Ноз-неъмат бунёдкорлари программаси.

22.00 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — «Рига ҳайвонот боғида»—(болалар учун телефильм). 18.10 — Сокин Волга оқар бетиним» (ҳужжатли фильм, ўзбек тилида).

19.00 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — «042 қаерда?» (бадиий фильм. ўзбек тилида).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: 19.00 — Абитуриентлар учун. Физика. 20.00 — «Ҳаётга йўлланма».

Рус тилида: 20.30— «Здоровье» (илмий-оммабоп программа). 21.00 — «Биринчи севги қўшиғи» (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Асосий зарба (кундуз соат 11 ярим, 2, кеч 6 ва 8 яримда), Меҳрибон отам (эрталаб соат 10, кундуз 4 яримда) — «МОСКВА».

Еввойи қалб — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ». ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Митти қайиқча — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «СПУТНИК» (кундуз ва кеччурун).

Қишлиқ (эрталаб соат 10, кундуз 5 ярим ва кеч 7 да), Она муҳаббати (ўзбек тилида, кундуз соат 12, 3, кеч 8.45 минутда): — «КЎКЧА».

Майерлинг— САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ўртоқ шаҳзода жаноби олийлари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Асунта, бехато от! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Митти қайиқча — «ФЕСТИВАЛЬ».

Асримиздан миллион йил илгари — «ХИВА».

Еввойи қалб — ТЕЛЬМАН номли.

Катта сайр — «РАКЕТА».

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия гурмуши. Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—834045. Эълонлар бўлими — 835142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—04263 ИНДЕКС 64697. А 1792.